

Қ.Х.Абдурахмонов,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Н.К.Зокирова,
иқтисод фанлари доктори

МЕҲНАТ БОЗОРИ НАЗАРИЯСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Меҳнат бозори бозор иқтисодиёти тизимида марказий ўринни эгаллайди. Бу, биринчи навбатда, бозор муносабатлари шароитларида амал этадиган турли: хомашё, материаллар, ёқилғи, тайёр буюмлар, лойиҳалар, илмий ишланмалар, хизматлар, турар жой, инвестициялар, қимматли қоғозлар ва бошқа бозорлар бир-бирларидан фарқ қилса ҳам уларни асосий субъект – инсон бирлаштириб туриши билан изоҳланади.

Иқтисодиёт фанининг классик назарияси асосчилари А. Смит, Д. Рикардо, Ж.Б. Сэй, А. Маршалл, А. Пигу, Ж.М. Кейнс, М. Фридмен, П. Самуэльсон ва бошқалар ўз даврларининг ўткир иқтисодий муаммоларини бартараф этиш заруратидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозори ва иш билан бандлик соҳасига мурожаат этар эканлар, турли ғояларни илгари сурганлари яхши маълум. Хусусан, А. Смитнинг ишчи кучига талаб ва унинг таклифи мутаносиблигини таъминлай олишга қодир бўлган **“бозорнинг илганмас қўли”**, А. Маршаллнинг аҳолининг иш билан бандлигини ишчи кучи талаби ва таклифини тартибга солиш йўли билан бозор иқтисодиётининг инқирозсиз ривожланиши, Ж.М. Кейнснинг бюджет-солиқ сиёсати ҳисобига аҳолининг харид қобилиятини ошириш йўли билан иш билан бандликни таъминлаш назарияларини ёдга олиш мумкин.

Меҳнат бозори ва иш билан бандлик назариясининг мақсади мазкур соҳаларда рўй бераётган воқеа ва жараёнларни илмий ҳолда ифода этишдир. Бу назария амалий аҳамиятга эга: у мазкур соҳаларга оид билимларни интеграциялаштирар ва умумлаштирар экан, уларни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва инсон ҳаёти фаолиятининг бошқа жабҳаларида реал тарзда намоён бўлишига хизмат қилади.

Меҳнат бозори ва иш билан бандлик назарияси унинг вазифаларида конкретлашади. Бу – меҳнат бозори ва иш билан бандлик ривожланиши қонуниятлари ва тенденцияларининг таҳлили асосида мазкур соҳаларнинг туб муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари ва усуллари юзасидан илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш, меҳнат бозори самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган моделлар ишлаб чиқиш, меҳнат ресурслари прогнозлари асосида мамлакат ва минтақани иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш истиқбол режаларига аниқликлар киритиш бўйича хулосалар тайёрлашдан иборатдир.

Меҳнат бозори ва иш билан бандлик назариясида умумий, алоҳида ва хусусий қонуниятлар ҳам мавжуд бўлиб, улар меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг иш ҳақи миқдориغا боғлиқлиги, ишсизлик ва иқтисодиётдаги меҳнат унумдорлигининг ўзаро боғлиқлиги (“Оукен қонуни”), иш билан бандлик таркибининг хўжалик юритиш шаклиги боғлиқ равишда ўзгариши,

илмий-техникавий ва технологик тараққиёт натижасида таркибий ишсизликнинг пайдо бўлиши каби жараёнларда ўз ифодасини топади.

Бугунги кун нуқтаи назаридан меҳнат бозори, уни тартибга солиш механизмлари, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф мутаносиблиги, ишчи кучи (меҳнат) баҳоси даражаси муаммолари тадқиқ қилинар экан, бу масалаларга асосан иш берувчилар ва ёлланма ходимлар ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан ёндошилишини кузатиш мумкин. Масалан, Р.Ж. Эренберг ва Р. Смит фикрига кўра: **“Меҳнат бозори фақат меҳнатни харид қиладиган ва сотадиганлардан иборатдир”**¹. Россиялик иқтисодчи олим А. Котляр ҳам ходимни ёллаш ҳақидаги контракт ишчи кучи олди-соттисининг бозор келишувини расмийлаштиради, ёллаш шартларига бундан кейин киритиладиган аниқликлар сотилган ва амал этаётган иш кучига тааллуқли бўлиб, бозорга хос бўлмаган хусусиятларга эга деб ҳисоблайди².

Лекин, меҳнат бозорига кенг маънода: “меҳнатни ҳосил қилиш, айрибошлаш ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, ижтимоий нормалар ва институтлар тизими” сифатида қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, Н.А. Волгин, Ю.Г. Одегов³ ва айрим бошқа иқтисодчи олимлар меҳнат бозори соҳасига фақат меҳнатни айрибошлашни (меҳнат олди-соттисини) эмас, шунингдек меҳнат салоҳиятини ҳосил қилиш (таълим ва касбий тайёргарлик), шунингдек меҳнатдан фойдаланиш (ишлаб чиқаришда персонални бошқариш) жабҳаларини киритиш лозимлигини кўрсатмоқдалар.

Биз ҳам бундай ёндашув тарафдоримиз, яъни **“Меҳнат бозори деганда ишчи кучи такрор юзага келишининг барча босқичларида: унинг етиштирилиши (ижтимоий-демографик жиҳат, янги ишчи кучи пайдо бўлиши), айрибошланиши (сотиб олиш-сотиш ҳаракати амалга оширилиши), тақсимланиши (ишчи кучининг ижтимоий, касбий ва ҳудудий кўчиши орқали тақсимланиши) ва меҳнат соҳасида фойдаланилиши босқичларида ходим билан иш берувчи ўртасида кечадиган ижтимоий муносабатлар тизими тушунилиши керак”**⁴.

Меҳнат бозори моҳиятини фақат иш жойини излашдан иборат деб ҳисоблаш **“ходим – иш берувчи”** ижтимоий меҳнат муносабатлари доирасини жуда торайтириб қўйиши шубҳасиздир. Меҳнат бозори субъектлари иқтисодий тизимда рўй бериши мумкин бўлган барча вазиятларда, жумладан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва таркибий ўзгартириш, ўсиш суръатларининг пасайиши, корхоналарнинг банкротликка учраши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг пасайиши ва бошқа шароитларда ўзаро муносабатларда бўладилар ҳамда юзага чиқаётган муаммоларни ҳал этишдан манфаатдорлар.

Бу эса ҳозирги даврда меҳнат бозори ва унинг инфратузилмаларига янги талаблар қўяди. Фикримизча, улар қуйидагилардан иборат:

¹Эренберг Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда: Теория и государственная политика. - М.: МГУ, 1996.

² Котляр А.О. О понятии рынка труда. // Вопросы экономики, 1998, №1. С.34.

³Экономика труда (социально-трудовые отношения). // Под ред. Н.А.Волгина, Ю. Г. Одегова. -М.: Экзамен, 2008.

⁴ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Т.: Меҳнат, 2009. 105-б.

- ходимларни иш билан бандлик, меҳнат фаолияти тури, иш жойини ихтиёрий равишда эркин танлаш конституциявий ҳуқуқига асосланган, ўз ишчи кучини бозор қонуниятларига кўра тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқи эътироф этилган янги муносабатларини шакллантириш;

- барча фуқароларга ишга жойлашишда жинси, ёши, миллати, эътиқоди ва турар жойидан қатъи назар тенг имкониятлар яратиш;

- ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш;

- ёлланма ишчи кучига эҳтиёжни аниқлаш бўйича ахборот излаш ишларини амалга ошириш;

- ишга жойлаштиришга муҳтож фуқароларнинг меҳнат бозоридаги талабидан келиб чиққан ҳолда касбга йўналтириш, янги ва қўшимча касб–ҳунарга ўқитиш, малакаларини ошириш;

- давлат муассасалари, хусусий ва қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари, бошқа ҳўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларнинг ишчи кучига талабига мувофиқ меҳнатга лаёқатли ва иқтисодий фаол аҳолини тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва ишга жойлаштиришни таъминлайдиган самарали иш билан бандликка кўмаклашувчи тизимни шакллантириш ва ривожлантириш;

- иш берувчиларнинг ишчи кучига эҳтиёжларини қондириш, ишдан бўшатилаётган ходимларни ишга жойлаштириш, меҳнат конъюнктурасини баҳолаш, ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган турли дастурларни ишлаб чиқиш бўйича буюртмаларини бажариш каби янги талаблардан иборат.


Меҳнат бозори функцияларининг кенгайиб бораётганлиги унинг ўзида содир бўлаётган сифат ўзгаришларига боғлиқ. Ҳозирги давр меҳнат бозори ижтимоий муносабатларнинг мураккаб тизимига айланиб, ишчи кучини таклиф этаётган турли тоифаларнинг сегментларини мужассамлаштирган. Бу сегментларнинг ҳар бирида ўзаро рақобатлашадиган, аммо меҳнат бозорининг ишчи кучи бошқа тоифалари сегментларидаги ишчи кучига рақобатчи бўлмайдиган ходимлар жамланган. Бу сегментлар, энг аввало, бирламчи ва иккиламчи меҳнат бозорларидан иборат.

Бирламчи меҳнат бозорлари нуфузли иш турларидан шаклланади. Улардаги мустақил иш жойлари олий маълумотга эга ходимлар, маъмурий–бошқарув персонали, юқори малакали мутахассислар, ёрдамчи иш жойлари эса ўрта малакали ва техник ходимлар томонидан эгалланади.

Иккиламчи меҳнат бозорлари юқори малака ва махсус тайёргарлик талаб этилмайдиган иш жойларидан иборат. Бу иш жойлари малакали ишчилар, хизмат кўрсатадиган ва қуйи тоифали ходимларга мўлжаллангандир. Шу билан бирга меҳнат бозорларининг минтақавий сегментлари ҳам фарқланади. Уларда ишчи кучининг минтақавий хусусиятлари: аҳолининг ижтимоий-демографик, ишчи кучининг касб-малака, мазкур ҳудудда иш билан бандликнинг хусусиятлари ҳисобга олинади.

Меҳнат бозорларида бошқа бозорлардагидан фарқли равишда истеъмолчи эҳтиёжини қондирадиган товар эмас, балки муайян маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат тури кўрсатиш) учун талаб этиладиган ишчи кучи

харид қилинади. Яъни ишчи кучига талаб товар ва хизматларга талабдан келиб чиқади, бу эса меҳнат бозори товар бозорлари билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Айни пайтда ишчи кучига талаб капитал бозоридаги ҳолат – инвестиция муҳитидан ҳам келиб чиқади. Меҳнат ва капитал бир–бирини тўлдиролувчи ва бир–бирининг ўрнини боса олувчи ишлаб чиқарувчи омиллар ҳисобланади. Шунинг учун капитал қийматидаги ҳар қандай ўзгариш меҳнат бозорига таъсир кўрсатмай қолмайди. Бу омиллар меҳнат, товар ва капитал бозорлари ўзаро алоқада амал қилишини кўрсатади (1–расм).



1–расм. Меҳнат, товар ва капитал бозорларининг узвий боғлиқлиги.

Шу билан бирга меҳнат бозори ва иш билан бандлик назариясига ҳозирги пайтдаги концептуал ёндошувларда аҳолининг иш билан бандлиги сифати муаммосига эътибор тобора кучаймоқда. Иқтисодий адабиётда шахснинг иш билан бандлиги сифати ҳамда жамиятдаги иш билан бандлик сифати тадқиқ этилади. Лекин айрим тадқиқотчилар иш билан бандлик сифатига иш билан бандлик шароитлари ва инсон салоҳиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан ёндошсалар, бошқа изланишларда шахс ёки ижтимоий гуруҳ турмуш даражаси, шунингдек иш билан бандлик хусусиятида намоён бўладиган хусусиятлар таҳлил этилади.

Фикримизча, иш билан бандлик сифатига ёндошувлардаги бундай фарқларга қарамай, мазкур тушунчанинг аниқ кўрсаткичлар тизими мавжуд, Бизнингча, улар қуйидагилардан иборат:

- иш билан банд ходим даромадининг даражаси. Бу даромад Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳужжатларида қайд этилганидек, фақат ходимнинг эмас, шунингдек унинг оила аъзолари эҳтиёжлари энг кам миқдори ҳамда иш

кучини ҳосил этиш (таълим олиш, касб эгаллаш, саломатликни сақлаш ва ҳоказолар) учун етарли бўлиши лозим;

- оилада жон бошига тўғри келадиган даромаднинг харид қобилияти;
- ижтимоий меҳнат унумдорлиги даражаси. Мазкур кўрсаткичнинг умумэътироф этилган мезони – иқтисодий фаол аҳоли бирлигига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми мавжуд;

- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги солиштирама улуши. Бу ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида иш билан бандлик соҳасидаги иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим индикаторларидан бири ҳисобланади;

- меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатдошлиги даражаси. Бу кўрсаткичнинг асосий мезонлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) иқтисодиётда иш билан бандлар умумий сонидан олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар улуши;

б) иқтисодиётда иш билан бандлар умумий сонидан эгаллаган ихтисослиги ва малакаси бўйича самарали иш билан бандлар улуши.

Ўзбекистон меҳнат бозоридаги вазият иш билан бандлик сифати даражасидан яққол далолат бериб турибди. 2010 йилда Иш билан бандликка қўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш қидириб мурожаат этган фуқароларнинг аксарият кўпчилиги – 66,1 %ни умумий ўрта маълумотлилар ташкил этган. Ҳолбуки, бу кўрсаткич ўрта махсус маълумотлилар орасида 27,8 %ни, олий маълумотлилар ўртасида эса атиги 6,0 %га тенгдир.

Шу билан бирга ишга муҳтожларнинг кўпчилигини қишлоқ жойларида истиқомат қилувчилар ҳамда 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади (1-жадвал).

1–жадвал

Ўзбекистонда 2010 йилда Иш билан бандлик ва ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар сони ва уларнинг таркиби¹

Кўрсаткичлар	Мурожаат қилган фуқаролар	
	Сони	Жамига нисбатан % ҳисобида
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>
Жами	671482	100,0
Шу жумладан: 1.Тураб жойи бўйича - шаҳар аҳолиси	178480	26,6

Манба: Мониторинг рынка труда

¹ Мониторинг рынка труда. //Информационно-аналитический бюллетень, №4 (14), с.5.

1–жадвал давоми

1	2	3
–қишлоқ аҳолиси	493002	73,4
2.Ёши бўйича		
– 16–18 ёшлилар	5820	0,9
– 18–30 ёшлилар	356122	53,0
– 30–50 ёшлилар	299213	44,6
– 50 ёшлилар ва ундан катталар	10327	1,5
3.Маълумоти бўйича		
– олий	40366	6,0
– ўрта махсус	186954	27,8
– умумий ўрта	444162	66,1
4.Жинси бўйича		
– эркаклар	380327	56,6
– аёллар	291155	43,4

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: **“Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узок муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда”,¹** - деб алоҳида таъкидлаган.

Бу стратегик мақсадларга эришиш меҳнат бозорининг замонавий назарияларини ҳисобга олган ҳолда иш билан бандлик сифати даражасини оширишни энг муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда. Чунки, ҳозирги даврда меҳнат бозорининг асосий субъекти – оддий ишчи кучи эмас, балки интеллект (интеллект – инсоннинг фикрлаш салоҳияти) ва онги (онг – мантиқий ва ижодий фикрлаш, инсон ақлий фаолиятининг олий даражаси) билан илмий-техникавий тараққиёт орқали иқтисодиётда фойда ҳосил қилиш функциясини бажараётган ходимдир².

Экспертларнинг ҳисоблашларича, самарали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш мамлакат аҳолиси катта ёшдагиларининг 40,0–60,0 %и олий маълумотли, улар таркибида 2,0–5,0 %и илмий ходимлар бўлишини талаб этади. Бунини ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам исботлайди. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳар 1000 нафар ходим ҳисобига 5,36 олим

¹И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

² Нусратуллин В.К. Неравновесная экономика. 2-е изд., доп. – М., 2006. С.361.

тўғри келади. Мазкур кўрсаткич АҚШ (8,66) ва Японияда (9,72) янада юқорироқдир¹.

Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлик даражаси жаҳонда энг юқорилардан бўлиб, 99,34 %ни ташкил этади. Мамлакатдаги 66 та олий ўқув юртларида бакалавриятнинг 150 тадан кўпроқ йўналиши, магистратуранинг 650 ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, фикримизча, мамлакат меҳнат бозорларида иш билан бандлик сифатини ошириш учун қуйидаги масалаларга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир:

- меҳнат бозорининг иш кучини мамлакат ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларида эркин тақсимланишини дастаклаши маркетинг функциясига эга бўлиши лозим;

- меҳнат бозори иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга таъсир кўрсатиши керак. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тадқиқотлар маркази таҳлилларига мувофиқ, меҳнат бозорининг ривожланиши кўп жиҳатдан инвестиция фаоллиги хусусиятлари ва йўналишларига боғлиқдир. Агар инвестициялар инсонни таракқий эттиришни ҳисобга олмасдан, фақат ишлаб чиқаришга йўналтирилаверса меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифдаги номуносибликка барҳам беришнинг имкони бўлмайди²;

- меҳнат бозори ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги миқдор ва сифат нисбати мақбул бўлишини тартибга солиши керак. Бу муносиблик иқтисодиётнинг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириши, ходимларнинг иш ҳақи меҳнат мотивациясини таъминлай олиши зарур.

Ҳозирги даврда меҳнат бозори ва аҳолининг иш билан бандлиги соҳасида содир бўлаётган жўшқин ва мураккаб жараёнлар уларни чуқур тадқиқ этиш, асосланган илмий ҳулосалар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга самарали жорий этиш ниҳоятда долзарб масала эканлигидан яққол далолат берапти. Ўзбекистонда энг устувор йўналиш сифатида белгиланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини, касаначиликни жадал ривожлантириш ҳисобига фақат янги иш жойлари яратишни кўпайтирибгина қолмай, уларнинг иш билан бандлик сифатини оширишига эришиш ҳам муҳимдир. Бу Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш стратегик вазифалари муваффақиятли бажарилишини таъминлашнинг гаровидир.

¹ Gamington W.J. How Big is the Braun Dian? INF. Working Paper 98/02, Washigton, 1998.

² //Экономическое обозрение , 2007, № 3, с.22.